

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази**

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат
ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг
ўқув режалари асосида 2-синф учун
Атрофимиздаги олам фанидан тузилган**

Ўқув дастури

2014 йил

ТУЗУВЧИ МУАЛЛИФЛАР:

П.Ғуломов - ЎзМУ “Табиий география ва география таълими” кафедраси доценти

Н.Ахмеова - РТМ “Бошланғич таълим” бўлими бошлиғи

М.Юсупова - РТМ “Бошланғич таълим” бўлими бош методисти

**“Атрофимиздаги олам” фанидан
чуқур ўрганиладиган умумтаълим муассасаларининг
ихтисослаштирилган
(1-2-синф учун 1 соатга (68 соат) ихтисослаштирилган дастури)**

Уқтириш хати

"Атрофимиздаги олам" фани 1—2-синфларда ўқитилади.

Курснинг вазифаси болаларнинг фанлар ва табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, тизимга солиш, уларнинг ахлоқий кўникмаларини бойитиш, одамлар ҳаёти ва меҳнатига қизиқиш уйғотиш, оила, мактаб, жамоат жойларида ўзини тўғри тутиш кўникмаларини шакллантиришдир.

Курсни ўргатишда асосий эътибор табиатга, оила аъзоларига, умуман инсонга нисбатан муҳаббат ва ғамхўрлик, инсон меҳнати билан яратилган нарсаларни эҳтиётлаб сақлаш, меҳнатни қадрлаш, жонажон ўлкани, унинг табиатини, Ватанни севиш, уйда ва мактабда ижтимоий фойдали меҳнатга қизиқиш ҳисларини тарбиялашга қаратилган.

Ўқувчиларнинг илмий-амалий дунёқарашини шакллантириш мақсадида жонли ва жонсиз табиатнинг сабаб-оқибат алоқаларини аниқлашга, табиатдаги маълум қонуниятларни ўрганилаётган объект ўхшашликлари, фарқи, предметларни гуруҳлашга, саралаш, хулоса чиқаришга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

"Атрофимиздаги олам" фани болаларнинг атроф олам ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини шакллантириш билан бир қаторда уларнинг сўз бойликларини оширишга қаратилган.

"Атрофимиздаги олам" фани бошланғич синфларнинг ўқув режасидаги бошқа фанлардан фарқ қилиб, бир қатор вазифаларга эга:

1. Атрофимиздаги ҳаёт ҳодисалари билан танишиш жараёнида ўқувчиларнинг узлуксиз ўрганиш қобилиятини ривожлантириш учун зарурий бўлган маълум маънавий-ахлоқий кўникмалар ҳосил бўлади.
2. Мактаб шароитида атроф муҳит билан таништириш ўқувчиларни самарали таълим олишларига имкон беради, чунки бу ёшда болаларнинг етакчи фаолиятини ҳисобга олган ҳолда таълим берилади.
3. Фанни ўрганишда таълим жараёнини ташкил қилишнинг мазмуни, шакли, услублари интеграцияси таъминланади. Масалан, Она табиатни ўрганиш ўқувчиларни экскурсиялар ҳамда амалий ишларни ташкил қилишда алоҳида объект ва ҳодисаларни бевосита кузатиш жараёнида табиат билан таништиришни назарда тутди.

Кузатишлар бир неча йўналишда ташкил қилинади: об-ҳаво; табиатнинг ҳар хил компонентларининг йил фасллари бўйича ҳолати (тупроқ, сув ҳавзалари, кеча ва кундузнинг давомийлиги ва ҳ.к.); ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги мавсумий ўзгаришлар; одамларнинг мавсумий меҳнати ва уларнинг йил фасллари бўйича ўзгариши; табиатдаги алоҳида ўсимлик ва ҳайвонларни кузатиш.

Об-ҳаво ҳар куни кузатиб борилади, табиатнинг бошқа компонентлари ва ҳодисалари узоқ ёки қисқа муддат давомида кузатилади.

Табиатдаги мавсумий ўзгаришларни кузатиш жараёнида ўқувчилар ўсимликлар ва ҳайвонларнинг баъзи турлари, ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган шароитлар (масалан, ўсимлик ўсишининг ташқи шароитга, яъни иссиқлик, ёруғлик, намлик, тупроқ ҳолатига боғлиқлиги), турли йил фаслларида ўсимлик ва ҳайвонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан танишадилар.

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг баъзи турларини чуқурроқ ўрганиш "Ўсимликлар" ва "Ҳайвонлар" мавзуларида кўзда тутилади. Бу мавзуларни ўрганишда баъзи турларнинг ўзига хос белгиларини ажратиш олиш мақсадида аниқ нарсаларни таққослашга катта аҳамият берилган.

Хайвонларни тасвирлашда ўқувчилар улар танасининг фақат асосий қисмларини айтадилар. Тананинг бошқа қисмлари, бу қисмларнинг яққол ажратиб турган ҳарактерли бўёғи ёки шакли таниш (ўзига хос) белгиси бўлиб, бир хайвонни бошқасидан ажратиш учун хизмат қилгани ҳолда кўрсатилади.

“Ўсимликлар ва хайвонлар” мавзулари бўйича билимларини мустаҳкамлаш учун ўқувчиларнинг табиий материал билан ишлари қўлланилади.

Ўқитиш жараёнида ўқувчилар йигирмадан ортиқ тур тушунчаларни эгаллайдилар: мебел, идиш-товоқ, транспорт, маиший техника, иш куруллари, ўсимликлар, хайвонлар, соғлиқни сақлаш, шахсий гигиена ва бошқалар.

Ўқувчиларнинг тур тушунчаларини ўрганишда ўзларининг аниқ нарсалар ва уларнинг тасвирини гуруҳларга ажратиш бўйича шахсий амалий фаолиятлари катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар нарсаларнинг гуруҳларга бирлашиши учун асос бўлиб хизмат қиладиган умумий белгиларни билиши ва кўрсата олиши керак.

Ҳар бир дарсда кўтариладиган, ҳал қилинадиган тарбиявий масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Фанни ўрганиш жараёнида дунёни экологик идрок этиш, мактаб ер участкаси ва табиат бурчагидаги хайвонлар ва ўсимликларни парвариш қилиш кўникмаларини, табиатга муҳаббат ва табиат гўзаллигини кўра билиш қобилияти, табиий ҳодисаларни тушуниш кабилар ишлаб чиқиши керак.

Ўқувчилар аниқ мисолларда табиатдаги ўзаро алоқаларни кўриш, жонсиз табиат билан жонли табиат қандай боғлиқлиги, бир хил организмлар бошқа хиллари билан қандай боғлиқлигини билишлари керак.

Болаларни жамият ҳаёти билан таништиришнинг турли хил шакл, услуб ва воситалари мавжуд: экскурсиялар, музей, театр, клубларга бориш, суҳбат ва ўқишлар, кинофильм, диафильм, теле ва компьютер технологияси ёрдамида кўрсатувларни томоша қилиш, байрамларга тайёргарлик кўриш ва ҳоказо.

Атрофдаги олам нарса ва ҳодисалари ҳақида шаклланган тасаввурларини ўқувчилар ўқув машғулоти, дидактик ва ижодий ўйинлар, ўз-ўзига хизмат қилиш ва ижтимоий фойдали меҳнат қилиш жараёнида амалий мустаҳкамлайдилар. Шу тарзда атрофдаги олам билан танишиш бўйича материалларни ўрганишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг ҳар тарафлама этук шахс бўлиб ривожланиши мақсадида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи масалалар ҳал қилинади.

Курснинг асосларидан бири сифатида жамият ҳаёти билан ўз шаҳри ёки қишлоғи мисолида танишиш белгиланган. Ўқувчилар иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнлари, шунга оид одамларнинг касблари, маданият ва таълим ҳақида элементар тасаввурга эга бўладилар. Табиат ва ҳўжалик ўртасидаги, иқтисоднинг турли тармоқлари орасидаги муҳим ўзаро алоқалар очилади, турли фаолиятда виждони, ҳалол меҳнатга ҳурмат тарбияланади.

Навбатдаги асос ўқувчиларнинг соғлиги ҳамда муайян кўникма ва билимларни шакллантиришга қаратилган фаолиятнинг хавфсизлиги бўйича масалаларни ўз ичига олади. Гигиена қоидаларини эгаллаш билан боғлиқ ҳолда хавф туғдириши мумкин бўлган вазиятларда: кўчада, йўлда, сувда, уйда нотаниш одамлар билан муомала ёки алоқада ўзини тута билишни ўргатиш кўзда тутилган.

Ўқувчиларни бошқа одамлар — болалар ва катталар билан мулоқотда бўлишга ўргатиш, хушмуомалалик асослари ва одамлар орасида — оилада, меҳмонда, мактабда, жамоат жойларида ўзини тутишнинг оддий қоидаларини ўргатиш курснинг муҳим асоси ҳисобланади.

Курснинг яна бир сермазмун йўналиши — ўқувчиларни жойларда мўлжал олишнинг энг оддий усулларини ўргатиш; ўз мамлакати, унинг пойтахти ва бошқа шаҳарлари ва умуман, сайёрамиз ҳақидаги илк географик тасаввурларни шакллантириш.

“Атрофимиздаги олам” фани интеграциялашган бўлиб, унда табиий-илмий (биологик, географик, экологик, физик) билим элементлари тарихий, иқтисодий, ижтимоий билимлар билан мужассамлашган ва бу фан атрофимиздаги олам ҳақида бир бутун тасаввур ҳосил қилади.

Бу ўқув фанининг иккинчи йилга мўлжалланган мақсади — атроф олам нарсалари ҳақидаги тушунчаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; оламнинг умумий кўринишини шакллантириш, инсонпарвар, ижодий, ижтимоий фаол экологик фикрлай оладиган, жамият ва табиатга масъулият билан қарайдиган шахсни тарбиялаш.

Курснинг мазмунини танлаш ва тартиблаштиришдаги буткул янги мезон — бу ўрганилаётган материалга ўлкашунослик нуқтаи назаридан ёндашишнинг бирлиги, курснинг ҳаёт билан боғлиқлиги.

Атроф олам билан танишиш бўйича машғулотлар нафақат синфда, балки табиат кучоғида ҳам ўтказилиши керак. Ўзбекистоннинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда табиатшунослик объектларини кузатиш мавсумий таквим бўйича эмас, балки шу жой табиатининг ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда ташкил этиш керак.

Кузатувлар ва табиатга экскурсиялар асосида ўқувчилар йил фасллари алмашишининг тартибини тушунадилар, йил фасллари, масалан, куз билан баҳорни, киш билан ёзни таққослаш натижасида уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиришни ўрганадилар.

1-синф ўқув дастури “Кириш”, “Атрофимиздаги табиат”, “Биз фойдаланадиган жиҳозлар”, “Бизнинг ўлка” каби қизиқарли бўлимларни ўз ичига олган.

Ўқитишнинг иккинчи йили дастурига қуйидаги мавзулар киритилган: “Кириш”, “Атрофимиздаги оламини ўрганамиз”, “Ўлкамизда куз”, “Она заминимиз”, “Қиш”, “Соғ танда соғлом ақл”, “Ўлкамизда баҳор”.

“Атрофимиздаги олам” курсини ўрганишда қўлланиладиган шакл, услуб ва воситалар турличадир. Ўқувчилар ўқитувчи, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси раҳбарлигида табиат ва ижтимоий ҳаётдаги ҳодисаларни кузатадилар.

Машғулотлар фақатгина синфда эмас, балки кўчада, боғчада (истироҳат боғида), музейда, далада ва ҳ.к. ўтказилади. Экскурсиялар, турли касб эгалари билан учрашув ва суҳбатлар, дидактик ўйинлар, расмлар чизиш, диафильм, диапозитивлар, компьютерда кўриш — булар машғулотларнинг болалар учун қизиқарли ва сермазмун ўтказилишга имкон яратади.

География ва биология чуқур ўрганиладиган мактабларда 2-синф дарслигидаги маълумотларга қўшимча қилиб, қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. “Табиатдаги жисм ва моддалар” ҳақидаги билимларга, умуман сув, унинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида;
2. “Об-ҳаво” мавзусида об-ҳавонинг ўзгаришига сабаб бўлувчи табиий омиллар тўғрисида, об-ҳавонинг ўзгариши маҳаллий белгилари ҳақида;
3. “Йил фасллари” мавзусини ўтаётганда Қуёшнинг уфқдан баландлигини кузатиш, турли фаслларнинг табиати тўғрисида, тунни кузатиш ҳақида;
4. “Куз фасли” мавзуси ўтилаётганда турли экинлар, мевалар, уларнинг инсон учун аҳамияти тўғрисида;

5. “Ижтимоий фойдали меҳнат” мавзусида ишга ўқувчиларни бевосита иштирок этишлари;
6. “Ҳашаротлар ҳаёти” мавзусида бироз кенгайтириб ўтиш лозим;
7. “Ўлкамизда учрайдиган қушлар” мавзуни ўтилаётганда қушларнинг ҳаётига қандай мослашгани тўғрисида кенгрок тўхташ зарур (суяги, пати, тумшуғи, пажаси ва б.) ;
8. “Гербарий тайёрлаш” мавзуси бироз кенгайтириб, ўқувчилар гербарий тайёрлашни ўрганишлари зарур;
9. “Ер сайёра” мавзусини ўтаётганда Ер, Қуёш, Ой ҳаракатлари, уларнинг Ер юзи табиатига таъсири ҳақида кенгрок тўхталади;
10. “Ер юзасининг тузулиши” мавзусини ўтаётганда қўшимча расмлардан фойдаланиш керак. Шу дарсда глобус (табиий) ва Ўзбекистоннинг табиий харитасидан ҳам дарс давомида фойдаланиш мумкин;
11. “Сув ҳаёт манбаи” мавзусида дарсликдаги маълумотларга қўшимча қилиб, сувнинг табиатда айланиши ҳақида маълумотлар берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.
12. “Вақт ўлчов бирлиги” мавзусида тақвим ҳақида, у асосида Ер, Қуёш, Ой ҳаракатлари ҳақидаги мисоллар билан тушунтириш зарур;
13. “Ўлкамизда қиш” мавзусида қишларнинг қиш об-ҳавосига қараб мослашишлари ҳақида маълумотлар бериш;
14. “Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг қишдаги ҳаёти” мавзусида табиатнинг фаслларга қараб ўзгариши, инсоннинг, ўсимликлар, ҳайвонлар ҳам фаслларнинг алмашишига қараб мослашиши ҳақида алоҳида уқтириб ўтилади;
15. “Соғ танда соғлом ақл” мавзуси орқали ўқувчиларга тозалик, гигиена, овқатланиш тартиб қоидалари тушунтирилади, озуқаларнинг тўйимлилиги, қандай озуқалар кўпроқ фойдали ёки зарарли эканлиги ҳақида мисоллар билан ёритиб берилса мақсадга мувофиқ бўларди.

2-синф

Атрофимиздаги олам

Ўқув дастури

(68 соат, ҳафтасига 2 соатдан)

Атрофимиздаги оламни ўрганимиз (4 соат)

Атрофимиздаги олам. Сизги органлари: кўз, қулоқ, бурун, тил, тери.

Жисм ва моддалар. Сувнинг уч ҳолати: муз, сув, буғ. Об-ҳаво.

Ҳавонинг очиқ ёки булутлиги, ёғинлар. Об-ҳавонинг маҳаллий белгиларига қараб олдиндан айтиш.

Термометр. Термометр ёрдамида ҳаво ҳароратини ўлчаш. Об-ҳавони ва об-ҳавога боғлиқ ҳолда ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳолатини кундалик кузатиш.

Ўлкамизда куз (16 соат)

Йил фасллари. Фаслларнинг алмашиши. Турли фаслларда Қуёшнинг кўринма ҳолатлари.

Кузда об-хавонинг ўзгариши. Куз — ҳосил йиғиладиган фасл. Пахта – Ватанимиз бойлиги. Пахта йиғим-терими.

Куз ноз-неъматлари. Ўзбекистон боғларида, далаларида етиштириладиган мева-сабзавотлар. Ҳосилни йиғиштириб олиш.

Ижтимоий фойдали меҳнат. Мактаб ҳовлиси ва синфхонани озода тутиш. Мактаб ер участкасидаги экин ва дарахтларни парвариш қилишда иштирок этиш.

Кузда ҳашаротлар ҳаёти. Ҳашоратларнинг турли-туманлиги. Фойдали ва зарарли ҳашаротлар. Чумолиларнинг ҳаёти.

Ўлкамизда учрайдиган қушлар. Қушларнинг яшаш шароитига мослашганлиги. Ҳашаротхўр, донхўр, йиртқич (гўштхўр), ҳаммахўр қушлар. Қушларнинг бошқа ўлкаларга учиб кетиши ва бошқа ўлкалардан учиб келиши. Қушларни муҳофаза қилиш.

Мамлакатимизда учрайдиган ўсимликлар. Уларнинг турлари. Ўсимликларнинг қишга тайёрланиши. Ҳазонрезгилик. Барглардан гербарий тайёрлаш.

Она заминимиз (10 соат)

Ер – сайёра. Глобус. Ернинг Қуёш атрофида, Ойнинг Ер атрофида айланиши. Ойнинг ой боши, ўртаси, охирида кўриниши ва унинг сабаби.

Ер юзасининг тузилиши. Ер юзидаги тоғ, текислик ва сувли жойлар. Ўлкамиздаги тоғ ва текисликлар.

Сув — ҳаёт манбаи. Дарё, кўл, канал ва ариқ сувлари. Сув омборлари. Сувни тежаш ва муҳофаза қилиш.

Вақт ўлчовига нисбатан асос қилиб олинганлиги. Вақт ўлчов бирликлари: йил, ой, ҳафта, сутка, соат, минут, секунд.

Қиш (5 соат)

Кумуш қиш. Қишдаги об-ҳаво. Қиш манзараси.

Кишиларнинг қишдаги меҳнати. Далаларни баҳорги экиш мавсумига тайёрлаш. Иссиқ хоналарда кўчат тайёрлаш.

Уй ва ёввойи ҳайвонларнинг қишдаги ҳаёти. Фермаларда чорва молларини парвариш қилиш. Ўлкамизда қишлайдиган қушлар. Ҳайвонларни ва қушларни муҳофаза қилиш.

Соғ танда соғлом ақл (5 соат)

Тана гигиенаси. Танани озода тутиш.

Тишни парвариш қилиш. Тиш чўткаси ва пастасидан фойдаланиш.

Овқатаниш гигиенаси. Одам организми учун фойдали бўлган озиқ-овқатлар. Озиқ-овқат пирамидаси.

Эрталабки бадантарбия машқлари.

Ўлкамизда баҳор (22 соат)

Наврўз — янги кун. Наврўз байрамига тайёргарликлар – халқ ҳашарлари. Сумалак – Наврўз таоми. Наврўз шодиёналари.

Баҳорда ўсимликлар ҳаёти. Эрта баҳорда очиладиган гуллар. Дарахтларнинг гуллаши.

Ўсимликларни кўпайтириш. Ўсимликларнинг уруғдан, илдиз меваси (пиёзи)дан, новдасидан кўпайиши. Ўсимликларни пайванд қилиш.

Баҳорда кишилар меҳнати. Далаларда экинларни экиш. Кўчатларни ўтқазиш ва уларни парвариш қилиш. Боғларда мевали дарахтларни парвариш қилиш.

Баҳорда ҳашаротлар ҳаёти. Баҳорда ҳашаротларнинг уйғониши ва ҳаёт кечириши. Ипак қурти ва асалари боқиш.

Баҳорда ўлкамизга қушларнинг қайтиб келиши. Қушларнинг аҳамияти, уларни муҳофаза қилиш.

Ўлкамиздаги уй ва ёввойи ҳайвонлар. Уй ҳайвонларининг аҳамияти. Ёввойи ҳайвонларнинг табиатдаги ўрни. Ўзбекистон “Қизил китоби”.

Табиат ва инсон. Инсоннинг табиатдан фойдаланиши ва унга таъсири. Табиатни ўзгартириш ва уни муҳофаза қилиш.

Шаҳар билан қишлоқ, улар орасидаги фарқ.

Ўлкамизда ёз. Ёз – ўтади соз. Ёзда табиатга саёҳат. Табиат кўйнида ўзини тутиш қоидалари.

Ўқув йили давомида ўтилганларни такрорлаш (2 соат)

Ўқув йили давомидаги назорат иши (4 соат)